



CIRCUS ART IN UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR

Zilola Safarovna Safarova

Doctor of Philosophy (PhD) in History, Associate Professor

Karshi State Technical University

E-mail: z.safarova@mail.ru

Karshi, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Second World War, evacuation, victory, art, circus, politics, culture, propaganda.

Received: 12.06.26

Accepted: 13.06.26

Published: 14.06.26

Abstract: This article highlights the activities of masters and devoted representatives of Uzbek circus art during the Second World War. It examines the creative work of circus performers who were active in numerous cities and districts of Uzbekistan. Particular attention is paid to the fact that the first steps toward the establishment of national circus ensembles were taken during the war years, marking an important stage in the development of Uzbekistan's circus art.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЦИРК САНЪАТИ

Зилола Сафаровна Сафарова

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Қарши давлат техника университети,

z.safarova@mail.ru

Қарши, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Иккинчи Жаҳон уруши, эвакуация, ғалаба, санъат, цирк, сиёсат, маданият, тарғибот.

Аннотация: Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек цирк санъати усталари ва фидойилари фаолияти ёритилади. Шунингдек, мақолада Ўзбекистоннинг кўплаб туманлари ва шаҳарларида цирк санъати арбобларининг ижоди ва уруш йилларида миллий цирк жамоасининг барпо этилиши томон биринчи қадам қуйилганлиги ҳақида сўз боради.

В статье освещается деятельность мастеров узбекского цирка в годы Второй мировой войны. Также, в статье речь идёт о

творчестве деятелей циркового искусства работавших во многих городах и районах Узбекистана, а также о том как в годы войны были поставлены первые шаги образования коллективов национального цирка.

ВО ВРЕМЯ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ ЦИРКОВОЕ ИСКУССТВО В УЗБЕКИСТАНЕ

Зилола Сафаровна Сафарова

Доктор философии (PhD) по историческим наукам, доцент

Каршинский государственный технический университет.

E-mail: z.safarova@mail.ru

Карши, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Вторая мировая война, эвакуация, победа, искусство, цирк, политика, культура, пропаганда.

Аннотация: В статье освещается деятельность мастеров и энтузиастов узбекского циркового искусства в годы Второй мировой войны. Рассматривается творческая деятельность деятелей циркового искусства, работавших во многих городах и районах Узбекистана. Особое внимание уделяется тому, что именно в военные годы были сделаны первые шаги к созданию коллективов национального цирка, что стало важным этапом в развитии циркового искусства республики.

Кириш. XX асринсоният тарихида Иккинчи жаҳон уруши энг оғир фожиавийиз колдирган тарихий воқеалардан саналади. Ҳозирда жаҳондаги давлатлар ўртасида тинчликни асраш, алоқаларни мустаҳкамлаш марказий ўринда турган халқаро долзарб масалалардан бўлиб келмоқда. Шу ўринда, фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси муносиб бўлиб, бу даврда республикага кўчирилган аҳолига халқимиз томонидан кўрсатилган меҳр-мурруват бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик, бағрикенглик фазилатларини намойиш этди.

Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев «Буюк Ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати туфайли қарийб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда яшаётганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур» [1] дея таъкидлайди.

Асосий қисм. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқи турли қийинчилик ва машаққатларга қарамасдан, жамият ҳаётининг турли соҳаларида муайян ишларни амалга ошириб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда эътиборга лойик ютуқларни қўлга киритди. Шу ўринда, уруш йилларида ўзбек цирк санъатининг усталари ва фидоийлари ҳақида сўз юритсак. Уруш йилларида Ўзбекистоннинг кўплаб туманлари ва шаҳарларида цирк санъатининг усталари – дорбозлар, чавандозлар, гимнастлар, аскиячилар ижод қилиб, улар, асосан, тарқоқ ҳолда фаолият олиб бордилар. Халқ байрамлари, халқ сайиллари ва тўйлари вақтида улар ўз санъатларини намойиш қилдилар. Уруш йилларида миллий цирк жамоасининг барпо этилиши томон биринчи қадам қуйилди.

1942 йил 6 июнда Ўзбекистон КПМК ва республика ҳукумати “Ўзбек кўчма цирк коллективини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Бу соҳа учун 295 минг рубль миқдорида лойиҳа тасдиқланди [2]. «Ўзбек профессионал циркининг ташкил топганига атиги икки йил бўлди. Аммо, шунга қарамай, бу ёш жамоада бир қатор аъло даражали артистлар-дорбозлар гуруҳи, ҳаво гимнастларидан Мадалиевлар, чавандоз қиз Л. Хўжаева, акробатлардан Самохваловлар бор» [3], - деб ёзади «Литература и искусство» газетаси.

Ўзбек цирк жамоаси таркибига профессионал цирк артистлари билан бирга халқ театрининг ўйинчилари ҳамда спортчилари ҳам киритилди. Балетмейстрлар Али Ардобус, бастакор М.Ниёзов, расом Ш.Шораҳимов миллий цирк жамоасини тизимида асосий вазифаларини бажарди [4:585]. Али Ардобус - Иброҳимов Али Файзуллахўжаевич - раққос ва балетмейстер, актёр, педагог. Ўзбекистонда (1944 йилда) ва Қорақалпоғистонда (1943 йилда) хизмат кўрсатган артист. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Маҳкам ҳофиз, Ориф гармон Тошматов, Червонхон, Ўктамхон, Қумрихон кабилардан ўзбек рақс ҳаракатларини ўрганди. 1918 йилдан Тошкентдаги Маннон Уйғур раҳбарлигидаги театрда ишлай бошлайди. Али Ардобус кўпроқ балет ва рақс билан шуғулланди. 1937-1941 йилларда ўзбек филармониясининг ашула ва рақс ансамблини ташкил этишда фаол қатнашди. 1943-45 йилларда Қорақалпоғистонда рақс студиялари ва ансамбллар ташкил қилиб, миллий халқ ўйинлари асосида биринчи қорақалпоқ саҳна рақсларини яратган. Ўзбекистонда театр ва рақс ҳаваскорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарларда ҳаваскорлар тўғараги ташкил қилган. «Ноғора», «Рақс» «Баёт» каби яқка, «Уйғурча», «Қорақалпоқча», «Самарқандча тўй» (сюита), «Ургут бешқарсаги» ва бошқа оммавий рақслар у саҳналаштирган энг яхши рақслар ҳисобланади.

Ўзбек цирк жамоаси таркибига профессионал цирк артистлари билан бирга халқ театрининг ўйинчилари ҳамда спортчилари ҳам киритилди. Балейтместер Али Ардобус, бастакор М.Ниёзов, rassom Ш.Шораҳимовларнинг миллий цирк жамоаси тузилишида хизмати катта бўлди [5:144]. Жамоанинг бадий раҳбари этиб Ўзбекистон ва Россия халқ артисти Тошканбой Эгамбердиев тайинланди.

Тошканбой Эгамбердиев 1866 йилнинг март ойида Фарғона водийсининг Асака қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси – Эгамберди XIX асрнинг 50-йилларида Саудия Арабистонининг Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж сафарига бориб, айнан ўша ерда дорбозлик санъатини ўрганди. Юртига қайтгач, дор тикиб, бу санъатни оммалашишига, ривожлантиришга тамал тошини қўйди, халқ орасида Ҳожи-дорбоз номи билан танилди. Турган гапки, у ёнига 7 ёшли ўғлини ҳам жалб қилди. Шу қўйи, Тошканбой фаолиятини 7 ёшидан бошлаб, отаси Эгамберди ҳожи билан халқ байрам ва сайилларида, шаҳар майдонларида дорбозлик ўйинларини намойиш этган. 1880-йилларга келиб эса мустақил ишлаган, дорбозлик ва симбозлик санъатини мукамал эгаллаган. 5-6 метр баландликдаги симдор устида 20дан ортиқ машқлар ижро этган, жумладан, баландга ёки узунасига сакраш, оёғига пичоқ, лаган, мис қозон, ёғочоёқ боғлаб ёки баланд пошналар пойабзал кийиб сим устида юриш, бошда қайнаётган самовар олиб ўтиш каби ўз даврининг мураккаб машқларини бажарган. Шунингдек, 25-30 метр баландликда тортилган қия дор устида томошабинларни ҳаяжонга солувчи машқларни ижро этган, чиғириқда гимнастика усулларини бажарган. Тошканбой Ўрта Осиё давлат ва хусусий циркларида ишлаган. 1935 йилди Санкт-Петербург циркида унинг раҳбарлиги ва иштирокида «Дорбозлар» миллий дастури яратилиб, дор ўйинлари илк бор очиқ майдондан цирк гумбази остига кўчирилади. Бу муҳим воқеа ўзбек дорбозлик санъатида янги даврни бошлаб берди. Яқка ижрочи бажарадиган машқлар билан бир қаторда, икки, уч ва ҳаттоки тўрт киши ижро этадиган машқлар илк бор намойиш этилди. 1942 йилда Тошкентда, уруш даврининг оғир шароитига қарамай, Тошканбой Эгамбердиев раҳбарлигида Ўзбек цирк жамоаси ташкил этилди. Эътиборли жиҳати, мазкур гуруҳ собиқ Иттифоқда биринчи миллий цирк жамоаси сифатида тан олинди. 1947 йили, 81 ёшида сўнгги марта дорга чиқди ва ўз касбини фарзандларига топширганлигини эълон қилди[6:150]. Бу вақтга келиб фарзандлари – Қодиржон, Шокиржон, Обиджон ҳам падари бузрукворлари “этагини” ушлаб, анча маҳоратларини тоблаб олишганди. Шундай қилиб, у қадимий дорбозлик санъатини бир неча поғонага кўтариб, уни замонавий циркнинг бадий ифода воситалари ва мураккаб ўйинлари билан бойитиб келаётган ва ўзбек дорбозлик санъатини жаҳон цирки майдонларига олиб чиқаётган Тошкенбоевлар сулоласига асос солди.

Тошканбой Эгамбердиевраҳбарлигидаги Ўзбек цирк жамоасининг илк дастури 3 бўлимдан иборат бўлиб, режиссёрлар Б.Хўжаев ва И.С.Байкамовлар томонидан саҳифалаштирилди [7:585]. К.Зокиров раҳбарлигидаги “Чавандоз йигитлар”, “Бесуяклар”, А.Аширов ва Қ.Ғуломов, қиличбоз А.Азизхон, ёғочоёқ Й.Ҳайдаров, оташ ўйинчи А.Агран, О.Тошкенбоев раҳбарлигидаги акробатик ансамбль, чавандоз А.Хўжаева, Т.Эгамбердиев раҳбарлигидаги “Ўзбекистон дорбозлари” аттракциони, Юсуфжон қизик Шакаржонов (уруш йиллариЯнгийўл театрида (1941-42), Ўзбек давлат циркида (1942-44) ишлайди)ва бошқалар ўз санъатларини намойиш этди [8:150-151]. 1944 йилда ажойиб жамоа Москвада гастролда бўлди. Уруш йилларида Ўзбекистон цирк санъати усталарининг ҳам хизматлари бекиёсдир. 1941 йилнинг 10 октябридан 1942 йилнинг 3 мартигача бўлган қисқа муддат давридагина республика цирк артистлари 171 томоша кўрсатиб, 130 минг томошабинга ўз санъатларини намойиш қилдилар. Жангчилардан 28 минг киши Ўзбекистон цирк санъати усталарининг 71 марта [9:104] чиқишларини олқишладилар. Уруш даврида рўй берган трансформацион жараёнлар санъат соҳасида ҳам тўла ўз аксини топди.

Методлари: Мақолада ҳаққонийлик, узвийлик, қиёсийлик, анализ-синтез, статистика каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Хулоса. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ республикаимиз аҳолиси фашист босқинчиларининг собиқ иттифоқ худудига тўсатдан бостириб кирганини, шаҳар ва қишлоқларни беаёв яқсон қилаётганини, тинч аҳоли, беайб болалар, аёллар, қариялар ҳам қурбон бўлаётганини қоралади, бор кучини ғалаба учун курашга сарфлашини эълон қилди. Уруш ҳолати ватанпарварликни олий қадриятга, инсон маънавий-ахлоқий фазилатларининг асосий кўрсаткичи, мезонига айлантирди. Бутун хатти-ҳаракат, ўй, фикр, қобилият душман устидан тезроқ ғалаба қозонишга, тинч, эркин ҳаётга тезроқ қайтишга қаратилди. Мустақиллик Ватанимиз тарихида жиддий аҳамиятга эга бўлган воқеаларни ёритиш, фуқароларда тарихий хотирани шакллантириш ва ривожлантириш, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга жуда қулай ижодий шароитларни яратаётган бир пайтда Иккинчи жаҳон уруши даври маданиятининг ҳолати ва муаммоларини ёритиш, уруш инсоният бошига солган мусибатларни эслаш барчамизда, айниқса ёшларда тинчликнинг қадрига етишга ва ҳар ерда, ҳар доим огоҳ бўлишга чорлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов Ш. Ғалабага қўшилган ҳисса. –Т.: 1990. –Б. 104.
2. Литература и искусство, 1944. 17 июнь.

3. Сафарова З.С. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти: ҳолати ва муаммолари. – Т.: 2013. – 150 б.
4. Эргашева Ю.А. Сафарова З.С. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти.–Тошкент, 2020. –Б. 257.
5. Эргашева Ю.А. Сафарова З.С. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти.–Тошкент, 2020. –Б. 257.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 май Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 2019 йил 10 май, 96 (7295)-сон.
7. Ўз РМДА, 2078-жамғарма, 1-рўйхат,86-иш, 33 варақ, 87-иш, 4-варақ.
8. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилд. –Т.: 2006. –Б. 712.
9. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилд. –Т.: 2006. –Б. 712.